

БУХОРО ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИДА ВОҲАНИНГ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

Ибрагимов Тоҳир Шавкатович-Академик

М. Мирзаев номидаги бодорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Бухоро илмий тажриба станцияси директори

Аннотация: Мазкур мақолада Зарафшон дарёсининг қўйи қисмида жойлашган қадим Бухоро воҳасининг сув таъминоти, ирригация тизимларининг тарихи ҳақида сўз боради. Қадимги Бухоронинг сугорииши тарихи ва унинг ўрганилиши бугунги кунимиз муамоларини ечишида, шунингдек бу соҳада келажак режсаларини белгилашида муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Калит сўзлар: сув, сизот, зах, шўрланиш, топографик, археологик, дехқончилик, балиқчилик.

Қадими ўзбек миллатининг авлодлари суюк сурган Самарқанд ва Бухоро воҳасининг асосий сув манбаи ҳисобланган Зарафшон Ҳисор тоғларида 3159 метр баландликда жойлашган, сув ҳавзасининг ҳажми 41,8 квадрат километр, катталиги 1 гектар келадиган 424 та музлиқдан иборат Зарафшон музлигидан бошланади. Зарафшон Осиё қитъасининг нисбатан ёш дарёларидан бири саналиб дарёning узунлиги 781 километрни, сув ҳавзасининг умумий ҳажми 12,3 минг квадрат километрни ташкил этади. Зарафшон барча Осиё дарёлари каби ўзи бош оладиган тоғларни аёвсиз ёмириши ва тез оқиши туфайли сув таркибининг ниҳоятда бой ва яхши тўйинишига сабаб бўлган.

Зарафшон дарёсининг 34 фоиз суви сизот, яъни зах сувлардан, 31 фоизи музликларнинг сувларидан ва 34 фоизи қор ва ёмғир сувларидан ҳосил бўлади. Дарё сувларининг 62 фоизи ёз ойларида оқиб ўтади, август ойи охирида бошланган камайиш то март ойининг иккинчи ярмигача давом этади.

Зарафшон водийни сув билан таъминлабгина қолмай, аксинча у ўз заррин сувлари билан йилига тупроқ унумдорлиги учун зарурый бўлган 4,5-5 млн тонна минерал моддаларга тўйинган оқиндишларни олиб келган. Осиё тоғларидан тўйинадиган дарёлар орасида Зарафшон лойқалиш жиҳатдан тўртинчи ўринда туради, йиллик лойқанинг 82 фоизи ёзги оқим даврига мос келади. Вегетация даврида сув нафақат оқизинди жинсларни, шу билан бирга экин майдонларига ўзи билан сувда эриган моддаларни ҳам олиб кирган. Вегетация даврида эриган моддалар 650-700 минг тоннани ташкил этган. Ёзги сугориш даврида Самарқанд ва Бухоро воҳалари бўйлаб экин майдонларига ётқизган лойқанинг ҳажми гектарига 10-20 тоннага тўғри келиб, бу ҳар йили экин майдонлари сатҳининг 0,9-1,6 миллиметрга кўтарилишига сабаб бўлган. Шу билан бирга Зарафшон дарёси ҳар бир гектар ерга Амударёга нисбатан 10-15 марта кам, бор-йўғи 36 кг хлор олиб

STUDYING THE PROGRESS OF SCIENCE AND ITS SHORTCOMINGS

кирган ва бу ерлар шўрланиш даражасининг анча секин кечишига сабаб бўлган.

Табиатнинг тошу-тарозисини қарангки, Зарафшон оқимининг энг юксакка кўтарилигдан даври водийда суформа дехқончилик қилиш учун сувга бўлган талабнинг энг кучайиш даврига тўғри келади. Дарё режимидағи бу қулай ҳолат водийни ўзлаштириш ва юксак суформа дехқончилик қилиш маданиятининг шаклланишида зарур табиий шароит яратди.

Бухоро воҳаси қадим-қадим замонлардан суформа дехқончилик ривожланган ўлқалардан бири бўлган. Қадимда Бухоро ҳудудидан Зарафшон дарёси ирмоқларидан бири “Руди зар” (Олтин ирмоқнинг) ўтганлиги маълум бўлган, кейинчалик қуриб қолган мазкур ирмоқнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб бир қанча мустаҳкамланган қишлоқларнинг вужудга келиши ва улар шаҳар ўзагини ташкил қилган. Шаҳар ўзаги З қисмдан иборат бўлган. “Олтин ирмоқ”нинг ўнг қирғоғида жойлашган арқ, яъни қальта ва унинг ўнг ва сўл қирғоқларида жойлашган қишлоқлардан иборат бўлган. Дарё ўзанларининг тез-тез ўзгариб туриши дехқончилик қилишда қийинчиликлар туғдирган ва дехқонларнинг талабини қондирмаган. Бунинг натижасида қадимги дехқонлар аста- секин сунъий суғориш йўлларига ўта бошлаганлар. Қурилган каналлар одатда жуда кенг ва чуқур бўлмаган, асосан дарёлардан кўп миқдордаги сув олишга қаратилган ва уларнинг фойдали иш коэффициенти жуда паст бўлган. Бундай иншоотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш жуда кўп маблағ, ишчи кучи талаб қилган.

Ирригация техникасининг ривожланиши сув таъминоти тизимининг такомилашуви магистрал каналларнинг параметрларининг ўзгариши, яъни кенглигининг торайиши ва чукурлигининг ошиши, каналлар узунлигининг бир неча километрларга чўзилиши ва сув олиш иншоотларининг дарё оқимидан юқорига қараб силжиши намоён бўла бошлаган.

Бухоролик X аср тарихнависи Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахий Вобкентдарёни Зарафшоннинг табиий ирмоғи деб ҳисоблаган ва бу ҳақида шундай ёзади «Бухоронинг барча каналлари одамлар ёрдамида қазилган, Гаухитфардан бошқа, қайсики уни дарёning ўзи одамлар ёрдамисиз бунёд этган».

Топографик ва археологик маълумотларга кўра неолит давригача Мохондарё ва Гўжайли дарёлари Зарафшон сувини Амударёгача олиб борган ва эрамиздан аввалги IV-III минг йилликларда вақти-вақти билан Амударёга қўйилиб турган. Неолит даврининг охирларида бронза даври бошланиши даврида Мохондарё ва Гўжайли ирмоқларида сув сатҳи аста-секин пасайиб бориши натижасида Зарафшон суви Амударёгача етиб боролмаган. Мохондарё ва Гўжайли дарёларининг қуи қисмига сув етиб бормаслиги натижасида у ердаги аҳоли дарёning юқори қисми томон кўчиб бора бошлаган. Агар неолит даврида одамлар дарёning қуи қисмидаги Каттақўрғон атрофида яшаган бўлса, сувнинг камайиб бориши оқибатида улар Замонбобо, Кичиктузкон, Мохонкўл кўллари атрофида дехқончилик, балиқчилик билан шуғуллана бошлаганлар.

Бухоро воҳасида олиб борилган муттасил археологик тадқиқотлар туфайли Зарафшон дарёсининг адогида жойлашган ғаройиботларга бой бу кўхна масканнинг қад кўтарган ўрни ва унинг узоқ ўтмишдаги палеоэкологик шартшароитлари ҳамда бу диёрда истиқомат қилган қадимги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида содир бўлган тадрижий ўзгаришларнинг манзараси намоён бўлди.

Шундай қилиб, Бухоро воҳасида жуда қадимдан ниҳоятда мураккаб сув хўжалиги мавжуд бўлган. Асрлар давомида дехқонлар сув олиш, уни тақсимлаш, каналлар қуриш ва турли хилдаги гидротехник иншоотлар қуриш билан шуғулланганлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1966, 25-бет.
- 2.А.Р.Муҳаммаджонов. Қадимги Бухоро. Тошкент. 1991. 18-20-бетлар.
3. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннахтарии. Т: 1991й